

# Нотурар объектни ижарага бериш шартномаси № 1

01.07.2021 йил  
(тузилган сана)

Нукус шаҳри  
(тузилган жой)

Биз, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри Ерназар Алакоз кучаси 34 уйда жойлашган 4 аҳолига хизмат кўрсатиш маркази иморати «NUR TRADE STAR» МЧЖга тегишли бўлган Нукус шаҳар 9-сон давлат нотариусининг 23.12.2019 йилдаги 201900794005488 сонли олди-сотди шартномасига асосан «Бино ва инлшоатларга булган ҳукукининг давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида» ги QR 0042600 гувоҳномасиига , «Ер участкаларига булган ҳукукининг давлат руйхатига олинганлиги тугрисида» ги QR 027557 гувоҳномасига асосан «NUR TRADE STAR» МЧЖ уставига асосан фирма томонидан ҳаракатланувчи фирма директори Утегенов Илхам Торемуратович (ИНН 306540882) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан ва АТ "Халк банки" Қорақалпоғистон Республикаси филиали Амалиёт бўлими (ИНН 200363398) томонидан ишончнома асосида ҳаракатланувчи банк бошқарувчиси (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар ҳасида туздик:

## 1. Шартноманинг предмети

1. Мен, Утегенов Илхам Торемуратович ижарага берувчи мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри Ерназар Алакоз кучаси 34 уйда жойлашган 4 аҳолига хизмат кўрсатиш маркази иморатининг **80.9 кв.м.** Ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бердим, мен Ижарага олувчи ушбу бинонинг **80.9 кв.м.ни** вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қабул қилдим.

2. Ижарага берилаётган ернинг умумий фойдаланиш майдони **80.9 кв.м.** ташкил этади.

3. Юкорида курсатилган бинони Ижарага берувчига Нукус шаҳар 9-сон давлат нотариусининг 23.12.2019 йилдаги 201900794005488 сонли олди-сотди шартномасига асосан «Бино ва инлшоатларга булган ҳукукининг давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида» ги QR 0042600 гувоҳномасиига , «Ер участкаларига булган ҳукукининг давлат руйхатига олинганлиги тугрисида» ги QR 027557 гувоҳномасига асосан «NUR TRADE STAR» МЧЖга тегишли булиб, руйхатга олинган.

4. Ижарага берувчи юкорида курсатилган хусусий дукон бинони Ижарага олувчига 01.07.2021 йилдан, 31.01.2022 йилгача топширади.

## 2. Ижара хаки

5. Ижарага берилган бинони фойдаланиш учун ижара хаки тарафлар келишувига асосан хар ойга **3 500 000 (уч миллион беш юз минг)** сумдан, умумий ижара хаки **24 500 000 (Йигирма турт миллион беш юз минг)** сумни ташкил қилади. Ижарага жорий ой учун туловни хар ойнинг 15 кунига қадар Ижарага берувчига тулаши шарт.

6. Ижарага олувчи берилган бинонининг фойдаланиш учун ижара хаки тулов муддатини кетма-кет икки мартадан ортик бузса Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва ижарага берилган хусусий дукон бинони бушатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга ҳақли

## 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Мен, Ижарага олувчи ижарага олинган хусусий дукон бинони вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, уз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнгиндан сақлаш коидаларига тулик риоя этишни, ижара хакини уз вақтида тулаб туришни уз зиммамга оламан.

8. Мен, Ижарага берувчи совук ва иссик сувдан, электр энергия ва газдан, телефон алоқаси хамда маиший чикиндилардан фойдаланганлик учун, шунингдек бино билан боглик булган барча туловларни уз вақтида тегишли ташкилотларига конун хужжатларида белгиланган тарифларда ва муддатда тулашни уз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага берувчи мулк хукуки асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун конун хужжатларида белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошка мажбурий туловларни уз вақтида тегишли давлат солиқ хизмати органига тулаб боришни уз зиммамга оламан.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш

10. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар булади.

11. Ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга узгартиришлар қиритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо қилиб чиккан тақдирда суд тартибида хал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан хар бири бошка тарафни бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради.

#### 5. Якуний ҳолатлар

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80, 176, 191 ва 192-моддалари мазмун ва моҳияти биз тарафларга тушунарли.

13. Мен, Ижарага берувчи мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага берилаётган объектни бошка шахсга утқазилмаган, гаровга қуйилмаган, низода йук ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини қафолатлайман.

14. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

#### Томонларнинг яшаш манзиллари:

Ижарага берувчи:

Нукус шаҳри  
С.Нуримбетов кучаси №26

Ижарага олувчи:

Нукус шаҳри  
Гарезсизлик кучаси 74 а уй

#### Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи  
«NUR TRADE STAR» МЧЖ  
ХР 20208000305095551001  
ИНН 306540882 МФО 01068

И. Утегенов



Ижарага олувчи  
АТ «Халқ банки» Амалтиёт бўлими  
ХР 16103000000000638002  
ИНН 200363398 МФО 00638

О. Камалов



Изоҳ: Шартнома шартларига тарафларнинг келишувига асосан узгартиришлар қиритилиши

Юрчеї:

